Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
3 август
ЧОРШАНБА

№ 61
(12.385)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Президентимиз Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисининг 2011 йил 15 июлда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботи юзасидан қабул қилган қарорнинг бажарилишини таъминлашда маҳаллий ҳокимлик органлари раҳбарларининг вазифалари тўғрисида" вилоят ҳокимининг маърузаси тингланди.

Вилоят ҳокими ўринбосари Содиқ Абдуллаев вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг биринчи ярим йиллик якунлари ва йилни муваффақиятли якунлашнинг энг долзарб масалалари хусусида маъруза билан чиқди.

Йиғилиш асосий эътиборни инфратузилмани, транспорт ва коммуникация, уй-жой қурилишини жадаллаштириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, коллежлар битирувчиларини ишга жойлаштириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришни кучайтириш масалаларига қаратди.

Таъкидландики, миллий истиқлолнинг 20 йиллиги арафасида ўсиш суръатлари кескин кўтарилмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулот сўнгги уч йилнинг биринчи ярмида 8-10 фоиз кўпайди. Шу йилнинг биринчи ярмида 2 триллион 525,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ҳудудий дастур доирасида сўнгги бир ярим йилда ишга туширилган 266 та саноат корхонасининг иқтисодиётдаги иштироки сезиларли тус олди. Улар олти ойда 188 миллиард сўмлик ва 36,3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни ўзлаштириб, қисқа фурсатда жами 100 миллиард сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришди. Маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми 117,4 фоизга ўсиб, 976,7 миллион долларни ташкил этди.

Йиғилиш муҳокама қилинган масалалар юзасидан Пискент, Оққўрғон, Бўка туманлари, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарлари ҳокимлари ва тегишли бошқармалар бошлиқларининг ҳисоботларини тинглади. Уларнинг эътибори иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари ва соҳаларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни таъминлаш, қурилишларни жадал тус олдириш, янги иш ўринлари яратишни тезлаштириш, қиш мавсумида ишлашга тайёргарликни кучайтириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Элёр Ғаниев иштирок этди.

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

ПАРКЕНТЛИК ФЕРМЕРЛАРНИНГ КЕНЖАСИ

Азиз Миртурсуновни туманнинг энг олди фермерларидан, деб таништиришганда, ажаблангандик. Аммо, ишлари билан танишгач, ҳайратландик.

Ажабланганимизнинг боиси шуки, Азиз ҳали ёш йигит – эндигина 27 га кирди. Шу ёшда бутун бошли бир туманнинг юзлаб фермерлари орасида энг илғорлардан бирига айланиш осон эмас-да, ахир. Ҳайратланганимизнинг сабаби – унинг хўжалигига тегишли ҳамма далилу рақамлар шуни тасдиқлаб турибди.

Мана ўзингиз баҳо беринг. Азиз 2005 йили Тошкент давлат аграр университетини битириб, кейинги йили, яъни 2006 йилда 2,5 гектар токзорни ўз номига расмийлаштириб, иш бошлаганида, нари борса 22 ёшли йигитча эди. Орадан 5 йил ўтиб, Паркентнинг йирик қишлоқ мулкдорларидан бирига айланди. Ҳозир унинг ғаллазору токзор, мевали боғу сабзавот далалари 85 гектарга етди. Ҳар йили 20 гектарда ғалла, 35 гектарда узум, 25 гектарда мева, 5 гектарда сабзавот маҳсулотлари етиштирилади.

Аммо, деҳқончилигу боғдорчиликдан озгина хабари бор одам ҳам биладики, фермерларнинг салоҳияти гектарлар билан ўлчанмайди. Асосий кўрсаткич – ҳосилдорлик. Қолаверса, етиштирилган ҳосилни вақтида ва мақбул нархларда сотиш. Зеро, пировард даромадни ўйламайдиган фермернинг ўзи йўқ. Даромад эса, айнан ҳосилдорликка ва маҳсулотнинг қандай реализация қилинишига боғлиқ. Азиз бу ҳар икки жиҳатни ҳам ўрнига қўяяпти.

Бу йил А. Миртурсунов бошлиқ фермер хўжалиги 20 гектар ғаллазордан 60 центнердан хирмон кўтарди. 35 гектардаги винобоп узум навлари аллақачон пишиб етилган, пешма-пеш туманнинг вино заводларига топширилаяпти. 25 гектарли боғнинг олди мевалари Россия бозорларига етиб борди.

Дарвоқе, Россия бозорлари ҳақидаги гап бежиз эмас. Азиз "Сўлим гўша-Бўстон" фермер хўжалиги бошлиғи эканлигидан ташқари, "Паркент-Бўстон" масъулияти чекланган жамияти раҳбари. Бу жамоа туманда етиштирилаётган узум, мева ва сабзавот маҳсулотларининг бир қисмини махсус тайёрлаб, Россия шаҳарларига экспорт қилади. Бугунги кунга келиб, Азиз Миртурсунов раҳбарлигидаги фермер хўжалиги ва "Паркент-Бўстон" МЧЖ аъзолари 60 кишига етди.

Туман ҳокимлигида Азиз Миртурсунов иккита кам таъминланган оилага уй қуриб берганлигини айтишганди. Бизнинг ҳомийлик ва хайрия ишлари ҳақидаги саволимизга жавобан у кулиб қўя қолди ва атайлаб мавзуни бошқа масалага буриб, келажак режалари ҳақида гапирди. Айтишича, ҳозир туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тармоқларини барпо этиш ва ривожлантириш имкониятларини ўрганиш билан шуғулланаётган экан. Мақсади – ихчам цехлар барпо этиб, сифатли консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва асосий қисмини экспорт қилиш.

Эътироф этиш керак-ки, ҳақиқий фермер шундай иш тутади.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
Собир ЗУФАРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

БЕҚИЁС ЭЪТИБОРДАН МАМНУН БЎЛДИК

Яқинда бутун мамлакатимиз бўйлаб ажойиб хушхабар тарқалди. Юртимиз ғаллакорлари бу йилги ўта оғир шароитда 6 миллион 800 минг тонналик ғалла хирмонини яратиб, зафар қучдилар. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табрик мактуби бу ғалабани таъминлашга озми-кўпми ҳисса қўшган минглаб деҳқонларимиз қатори мени ҳам бениҳоя тўлқинлантириб юборди. Айниқса, "ойнаи жаҳон" орқали Юртбошимиз табриги ўқиб эшиттирилаётган лаҳзада қалбимдан кечган ҳисларимни сўз билан ифодалашим мушкул.

Негаки, унда фермер хўжалигимиз номи бу мавсумда юқори ҳосилдорликка эришганлар қаторида санаб ўтилди. Ҳали эришган муваффақиятимиз сурури аримай туриб, бундай улкан эътибор туфайли хонадонимизда ростмана байрам бўлиб кетди.

Чиндан ҳам, бу сафар табиат ҳаммамизни жиддий синовдан ўтказди. Шунга қараб ҳаракатимизни бошданоқ пухта қилдик. Ерга уруғ қадалгандан бошлаб, фақат ҳосил тақдирини ўйладик. Фикру ёдимиз қандай қилиб бўлмасин шундай оғир йилда ҳам эл-юрт ризқи бўлган ғалла ҳосилдорлигини оширишда бўлди. Мана, ниятимизга етдик. Қарийб 44 гектар майдондан 76 центнердан хирмон уйдик.

Мен деҳқон фарзандиман. Дадам раҳматли кўз кўргандан кўз кўргунча далада ишлаб, бизларни шу касбнинг ортидан катта қилдилар. Биз соҳанинг пасту баландини аввало шу кишидан ўрганганмиз. Лекин ҳеч маҳал уйимиз ғаллага тўлганини эсломайман. Эндичи? Юрт хирмонига 175 тонна сара дон етказиб бердик. 156 тонна дон ўзимизга қолди. Унинг 100 тоннасини хўжалигимиз аъзоларига улашдик. Дастлабки ҳисоб-китобимиз бўйича бу йил биргина ғаллачиликнинг ўзидан камида 100 миллион сўм даромад кўрамиз. Мустақиллик туфайли эришдик бундай имкониятга.

Ўзим фермер бўлганим учун яхши тушунаман. Президентимиз табригида қайд этилганидек, бугун фермерлик ўзининг нақадар беқиёс имкониятларга эга эканини амалда кўрсатиб турибди. Соҳани ривожлантириш учун ҳамма шароитлар яратиб қўйилди. Энди фақат ишлаш керак, холос.

Айтганча, ҳозир фермер хўжалигимизда 75 аъзо бор. Ҳаммаларига меҳнат дафтарчаси очиб берганмиз. Негадир, мен хўжаликни катта бир футбол жамоасига ўхшатаман. Фермер ўша жамоанинг мураббийидек гап. Фақат фарқи шуки, бу жамоанинг ўйинларида мураббий ҳам баб-баравар тўп суради. Спортчи хориж майдонларида ғалаба қучиб, мамлакати байроғи баланд кўтарилганида қандай ҳаяжонланса, деҳқон ҳам ғалвирни сувдан кўтарар паллада муродига етса, шунақа маза қилади.

Шундай шукуҳли кунда кўнглимдаги яна бир гапни айтмасам бўлмас. Дадам раҳматли Юртбошимизни жуда кўп мақтардилар. "Бу инсон қилаётган ишларнинг натижасини ҳадемай кўрасизлар. Ҳали деҳқоннинг ҳам бири икки бўладиган косаси оқарадиган, бой-бадавлат яшайдиган яхши кунлар келади. Фақат юрт учун фидойи меҳнат қилишдан қочманглар" деб уқтирардилар. Ўша кезлар Мустақиллик байрамимиз нишонланадиган 1 сентябрь куни ўғиллик бўлганимда, дадам севинчдан ичларига сиғмай, Юртбошимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромимиз рамзи сифатида фарзандимизга Исломжон, деб исм қўйгандилар. Ҳадемай ўғлим 16 ёшга тўлади. Туну кун ёнимда. Асосий иш юритувчим шу, десам ҳам хато бўлмайди. Баъзан ишни ташкил қилишда, ҳисоб-китоб юритишда мендан ҳам дадиллигини кўриб қувонаман. Булар мустақиллик болаларида, дейман завқланиб.

Назаримда, дадам айтган кунлар келди. Бир деҳқон учун бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми? Биз ҳаётимизга фаровонлик, мазмун-моҳият бахш этган Истиқлолга ҳар қанча тасанно айтсак арзийди.

Нуъмон САЛИМСОҚОВ,
Зангиота туманидаги "Шуҳрат зиё" фермер хўжалиги раҳбари.

МИНИТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Бўкалик Дилфуза Мусаева қолипли нон ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Муштарийбону файз" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди.

Корхонани минитехнология билан жиҳозлаш учун тадбиркор ўз ҳисобидан қарийб 70 миллион сўм маблағ сарфлади. Жамият иш бошлагандан буён ўтган бир ой давомида аҳолига 13 миллион сўмлик сифатли нон етказиб берди.

Туманда йилнинг ўтган 6 ойида ҳудудий инвестиция дастури доирасида 4 та шундай лойиҳа амалга оширилди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЁЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимиз аграр соҳасида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар кутилганидан зиёд самаралар бермоқда. Юртимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда барқарорликка эришилаётгани, шу жумладан, ички бозорларимизда сифатли мева-сабзавот, полиз ва картошка каби кундалик зарур маҳсулотлар ҳар қачонгидан ҳам сероблиги бунинг ёрқин тасдиғидир.

Айтиш жоизки, Фарғона водийси, Самарқанду Бухоро, Хоразм, Сирдарё, Жиззах, умуман, юртимизнинг барча манзилларида бўлгани каби Тошкент вилояти миришкорларининг ҳам мева-сабзавот етиштиришда ўз иш тутуми, фидойи меҳнати бор. Вилоят азалдан жаннатмонанд боғ-роғлари, хусусан, таъми тилни ёрар меваю узумлари билан маълум ва машҳур. Айниқса, бу ерда сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум ва картошка етиштиришда бой тажриба тўплангани эътиборга лойиқдир. Шу кунларда вилоят туманларида бўлсангиз, бунга тўла ишонч ҳосил қиласиз. Миришкорлар ёз неъматларини тезроқ ва имкон қадар нест-нобудсиз саранжомлаб олиш ҳаракатида бўлсалар, тайёрлов идоралари ходимлари уларни омборларга жойламоқдалар, қайта ишловчиларнинг ҳам қўли қўлига тегмайди.

Маълумотларга қараганда, жорий йилда вилоятда 140 минг тоннадан зиёд мева, 120 минг тоннага яқин узум, қарийб 1 миллион 300 минг тонна сабзавот, салкам 100 минг тонна полиз маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилган. Бу юксак марра забт этилишига асослар етарли. Сабаби, тармоққа қаратилаётган эътибор туфайли кейинги йилларда боғдорчилик ҳамда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва самарадорлигида муттасил ўсиш кузатилаётир. Ҳосилдорлик сабзавотчиликда ўртача 43, картошкачиликда 30, мевачиликда 12 центнерга ошгани шундан далолат беради.

Ислоҳотлар жараёнида, шунингдек, дала ва боғ неъматларини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш масаласи ҳам диққат-эътиборда турганлиги аҳамиятлидир. Мисол учун, сўнгги беш йил ичида вилоятда бунга ихтисослаштирилган 15 та замонавий корхона ишга туширилган бўлса, шу йилнинг охиригача илғор минитехнологияларга асосланган 4 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бу пировардида йилига қўшимча 690 тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

ФАРОВОН ЯШАШ ИМКОНИЯТИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда замонавий нон ишлаб чиқариш саноатига асос солинди

Нон – ризқ-насиба, фаровонлик тимсоли, дастурхонимиз файзи. Халқимиз азал-азалдан нонни азиз ва табаррук неъмат сифатида қадрлайди. Дастурхонга аввало нон тортиш, чақалоқ бешикка солинганда яхши ният қилиб, унинг ёстиғи остига кулча қўйиш, икки ёшни унаштиришда ширин орзулар билан нон ушатиш, узоқ сафар олдидан нон тишлатиш миллатимизга хос бўлган эзгу қадриятлардандир.

Минг шукрки, бугун бу азиз неъмат юртимизда сероб. Ўзимизнинг еримизда етиштирилган буғдойдан ўзимиз нон пиширяпмиз. Дўконларимизда ўнлаб хилдаги мазали нон ва нон маҳсулотларидан таъбимизга кўра, истаган ҳажму вазндагисини танлаб оламиз: оқ нон, қора нон, кепакли нон, жавдари нон, шифобахш нон, батон, ширин батон, тешиккулча, ширинкулча... Бундан ташқари, нонлар катта-кичик ҳажмда ишлаб чиқарилган, махсус қадоқланган, истеъмол муддати кўрсатилган, сифати кафолатланган.

Бугун бу ҳаммамиз учун оддий ҳолат. Истаган пайтда дўконга чиқамизу мазали нонни танлаб харид қилаверамиз. Бир хил қолипдан чиққан буханкага соатлаб навбатда туришни бугун кўпчилик тасаввурига ҳам сиғдиролмайди. Чунки инсон психологияси шундай, тез унутади, тез кўникади.

Бу ўринда гап тарихан қисқа давр – йигирма йиллар олдинги ҳолат ҳақида бормоқда. Нон дўконида танлаш имконияти бўлиши, катта-кичик нонлардан керагини, таъбга кўра харид қилиш орзу эди ўша пайтларда.

Сир эмас, нон саноати ҳам шўро мафкураси билан иш юритарди. Бошқа кўплаб ишлаб чиқариш соҳалари каби нон заводлари ҳам талаб ва таклифни, аҳоли эҳтиёжини ўрганмасдан, фақат "қатъий режа" асосида бир хил қолипда нон ишлаб чиқарарди. Турнақатор бўлиб буханкага навбатда турган, таъбига кўра танлаб эмас, нон тугаб қолмасдан улгурганига хурсанд бўлган одамлар бугун ўша даврларни аччиқ хотира сифатида эслайди.

– Бундан 20-25 йиллар илгари Тошкентнинг асосан иккита жойида яхшироқ буханка бўларди, – дейди пойтахтимизнинг Қорақамиш даҳасида яшовчи Хондамир Охунов. – Саҳарлаб туриб вокзал томонга нонга келардим. Агар кеч қолсанг, тамом, навбатинг келгунича буханка тугаб қолиши ҳеч гап эмасди. Тўғриси, биз ўша пайтлари қолипли нон, деганда фақат усти бироз қорайиб пишган, бир хил катталикдаги, таъми сал ачқимтирроқ булкани тушунардик, холос.

(Давоми 4-бетда).

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЁЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида вилоятдаги мавжуд корхоналар ёрдамида 2010 йилда 54 минг 900 тонна мева-сабзавот қайта ишланиб, улар нафақат ички бозорга, балки чет эллик буюртмачиларга ҳам етказиб берилди. Бу йил эса мазкур кўрсаткични камида 70 минг тоннага етказиш режалаштирилган.

– Кўриниб турибдики, жорий йилги мавсумда биз, қайта ишловчилар зиммасига жуда катта масъулият юкланган, – дейди Бўстонлиқ туманидаги "Агромир Ғазалкент" Ўзбекистон – Англия қўшма корхонаси директори Азиз Алихўжаев. – Буни чуқур ҳис қилган ҳолда, аввало, мавсумий ишчиларимиз сонини 600 нафарга кўпайтирдик. Натижада, ҳозиргача 250 тоннадан кўпроқ меванни қайта ишлаш орқали 10 турдан зиёд маҳсулотлар тайёрлашга эришдик. Уларнинг харидоргирлиги, узоқ-яқин хориж давлатларидан кўплаб буюртмалар тушаётгани эса, руҳимизни кўтариб, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда. Шундан келиб чиқиб, ҳисоб-китобимизга кўра, йил охирига қадар камида 1 миллион дона қадоқланган мева қиёми, шундан икки баробар кўп помидор ва бодринг тузламалари, яна шунча сабзавот икраларини тайёрлаш пайидан бўлаяпмиз.

– Бу режамиз, албатта, уддаланади, чунки яқинда корхонамизга хориждан хом ашёни майдаловчи ва қадоқловчи линия келтирилиб ўрнатилгач, иш ҳажми ортиб, маҳсулот сифати янада яхшиланди, – дейди қадоқловчи Гавҳар Эргашева. – Бу ҳали ҳаммаси эмас. Айрим хориж давлатларида ёнғоқ ғўрасидан тайёрланган хуштаъм мураббонинг бозори чаққонлигини эшитгандирсиз балки? Биз ҳам махсус рецепт асосида шундай ширинлик тайёрлашни ўзлаштирдик. Қарангки, унга ўзимизда ҳам харидорлар кўпайиб кетди. Негаки, у эндокринологик хасталикларнинг олдини олиш ва организмда йод танқислигини бартараф этишда кони фойда экан.

Шу ўринда мева-сабзавотни сақлаш хусусида икки оғиз сўз. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил сифатида бу тизимни такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги "2011 – 2015 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлаётир. Шу ҳужжат талабларига мувофиқ, вилоятда кейинги беш йил ичида умумий қиймати 38 миллиард сўмлик 35 та совитиш камераси қурилиб, мавжудлари модернизация қилинади. Бу – 30,4 минг тонна маҳсулот бусбутун сақланади, деганидир.

Қисқача айтганда, ҳозирги пишиқчилик палласида пойтахт вилоятининг деҳқону миришкорлари дала ва боғ неъматларини йиғиб-териб олишда намуна кўрсатаётган бўлсалар, уларни сақлашда Янгийўл туманидаги "Пиканто-фут", Паркент туманидаги "Эрсибан барака", Юқори Чирчиқ туманидаги "Техно-хладо-сервис" масъулияти чекланган жамиятлари жамоалари пешқадамлик қилмоқдалар. "Биз мустақиллигимизнинг 20 йиллиги тантанали нишонланадиган жорий йилда қарийб 9000 тонна мева-сабзавотни сақлаш учун қабул қилиб оламиз", дейишмоқда улар.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

("Халқ сўзи" газетаси. 2011 йил, 2 август).

(Давоми. Боши 1-бетда).

САНОАТИМИЗ ПЕШҚАДАМЛАРИ

ИЗЛАНУВЧАН МЕТАЛЛУРГ

"Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамиятининг 1-навли прокат цехи сўнгги йилларда навли прокат ва импорт ўрнини босувчи пўлат зўлдирлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришди. Чунончи, 2008 йили 147620, 2009 йили 158391, 2010 йили 167768 тонна прокат олинди. Шу тариқа мамлакатимиз кон-металлургия саноати эҳтиёжлари учун чет элдан валюта ҳисобига пўлат зўлдирлар сотиб олишга барҳам берилди.

Бундай муваффақиятга эришиш учун корхонада технологик ускуналарни янгилаш ва ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг кенг кўламли дастурлари амалга оширилди. Энг муҳими, бу жараёнларда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини мукаммал эгаллаб олган металлургларнинг янги авлоди камол топди. Уларнинг чуқур билими, малакаси ва тажрибаси мураккаб технологик ускуналарни ўрнатиш, синаб кўриш ва ишга туширишга хизмат қила бошлади.

– Катта уста Омонбек Алимбетов шундай фидойи металлургларимизнинг пешқадами, – дейди цех бошлиғи Олимжон Асатов. – У ташаббускор ва изланувчан усталаримиздан. Қурилишларда кўп қўлланиладиган бурчакли ва бошқа шакллардаги металл маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга самарали ҳисса қўшган. Кейинги йиллари 40-80, 100-120 мм. зўлдирларни прокат қилиш станларини ишга туширишда фаол қатнашди. 40 миллиметрли пўлат зўлдир ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳам унинг ташаббускорлиги ва ғайрат-шижоати билан муваффақиятли якунланди. 2007 йили эса, Омонбек Давронбекович 100-120 миллиметрли зўлдир прокат станида 68 диаметрли пўлат зўлдирларни уч йўналишда чиқаришни йўлга қўйишда ҳам алоҳида фаоллик кўрсатди...

Таниқли металлургнинг изланувчанлик фаолияти муносиб тақдирланиб, "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланди.

Омонбек корхонада иш бошлаганига 26 йилдан ошди. Кўп вақт у 1-навли прокат цехида бешинчи даражали жўваловчи вазифасида меҳнат қилди. Бу иш жойидаги барча мураккабликларни ўрганиб, ўз касбининг сир-асрорларини мукаммал ўзлаштириб бориш имконини берди. Шу боис ўн йилча илгари навли стан ва зўлдир прокат станининг катта устаси вазифасига ўтказилди. Унинг таклифлари янги, тежамли ва юқори унумли технологияларга ўтилишида яққол намоён бўлган изланувчанлиги пўлат зўлдирлар ишлаб чиқаришни 25 фоизга ошириш, айни пайтда 21 фоиз энергия тежалишига хизмат қилди.

Катта уста ишлаб чиқаришга янги келган ёшларни тарбиялаш билан алоҳида шуғулланади. Меҳрибон ва ғамхўр устознинг эътибори, фойдали маслаҳатлари, амалий ёрдами, энг муҳими, шахсий ибрати металлург касбига содиқ, малакали ходимларнинг навқирон авлоди қисқа фурсатларда сафга туриб олишида қўл келяпти. Ҳозир 1-навли прокат цехи ҳамда бошқа ишлаб чиқариш бўлинмаларида моҳир металлургнинг ўн нафар шогирди муваффақиятли меҳнат қилмоқда.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: Омонбек Алимбетов.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Ангренда бу йил мавжуд 9 та касб-ҳунар коллежини 3 минг 259 нафар талаба битириб чиқди. Шаҳар ҳокимлиги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази, шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда уни кеча кимё саноати касб-ҳунар коллежида уюштирган меҳнат ярмаркасида уларнинг 320 нафари эгаллаган касби бўйича корхона ва ташкилотларга ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

ИШ ЖОЙИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, БИТИРУВЧИ!

Меҳнат ярмаркасида "Ўзбеккўмир" АЖ тизимидаги корхоналар, Ангрен ва Янги Ангрен ИЭСлари, "Назарбек-автойўл" ихтисослаштирилган йўлларидан фойдаланиш корхонаси, "Сангрентекст" қўшма корхонаси, айниқса, фаол иштирок этишди. Кўмир саноати корхоналари шу куни 128 битирувчига йўлланма берди.

Бугунги кунда Республикамизнинг кўмир саноати маркази ҳисобланган Ангренда фаолият кўрсатаётган "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамияти тизимидаги кўмир конлари ва шахтасида мамлакатимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган қаттиқ ёқилғининг деярли ҳаммаси қазиб олинмоқда. Соҳани модернизация қилиш, янги, замонавий техника ва технологиялар орқали бу ерда яқин келгусида қазиб олинаётган қаттиқ ёқилғининг йиллик миқдорини 6 миллион тоннага етказиш кўзда тутилаётир. Шу боисдан соҳани замонавий мутахассис кадрлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат ярмаркасида иштирок этган "Ангрен" кўмир кони кўмирни ёпиқ усулда қазиб олиш бошқармаси ва мазкур корхоналарга хизмат қилувчи ташкилотлар масаланинг ана шу томонига катта эътибор бердилар.

– Меҳнат жамоаларини ёш ва малакали мутахассислар билан тўлдириб бориш масаласи билан мунтазам шуғулланиб келамиз, – деди жамият кадрлар бўлими бош мутахассиси Муҳаббат Эргашева. – Хусусан, кўмир саноати касб-ҳунар коллежининг мос йўналишлар бўйича 248 битирувчи билан йил давомида дипломолди амалиётини ўташ ва ишга жойлаштириш бўйича беш томонлама шартнома асосида иш олиб борилди.

Суҳбатдошимизнинг таъкидлашича, жамият, корхона, коллеж, ота-она битирувчининг келгуси тақдирига биргаликда масъул. Аммо, мазкур шартнома моҳиятини айрим ота-оналар, афсуски, кеч тушуниб етишмоқда. Зеро, шартномада томонларнинг ҳар бирига тегишли мажбуриятлар юкланган. Жумладан, битирувчи ишлаб чиқариш амалиёти ўтамоғи лозим. Амалиёт давомида у энг асосий омил – касбий кўникмага эга бўлади. Кўмир саноати корхоналарида бу борада "Устоз-шогирд" тамойилига амал қилинади. Амалиёт ўтовчиларга корхона томонидан иш ҳақи тўлаб борилади. Коллеж битирувчилари билан уларнинг амалиёт натижалари бўйича корхона раҳбарияти, ишлаб чиқариш усталари иштирокида суҳбат ўтказилиб, берилган касб малакаси ва разрядлар бўйича ишга қабул қилиш жорий этилди.

Янги Ангрен ИЭСида амалиёт ўтаган Нуробод қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи 85 нафар талабасининг 69 нафари ҳунар масканини энергетика йўналиши бўйича битириб чиқди. Корхона томонидан амалиёт ўтовчи талабаларга касб кўникмаларини эгаллаши учун зарур шароитлар яратиб берилди. Ходимлар бўйича директор ўринбосари Обиджон Нигматовнинг айтишича, ана шу битирувчиларнинг 26 нафарини йил охиригача ишга жойлаштириш режалаштирилган. Меҳнат ярмаркасида эса уларнинг саккиз нафарини ишга жойлаштириш бўйича шартнома тузилди.

Меҳнат ярмаркасига мезбонлик қилган Ангрен кимё саноати коллежи директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Абдурасул Иброҳимовни суҳбатга тортдик. Ушбу тадбир натижаларидан ниҳоятда мамнун эканлиги унинг юз-кўзларидан шундоққина сезилиб турарди.

– Битирувчиларимизнинг 62 нафари квоталанган иш ўринларига йўлланма олди, – деди А. Иброҳимов. – Коллежни имтиёзли тугаллаган 30 нафар битирувчи Ангрен кон бошқармаси корхоналарига йўлланмага эга бўлди.

Гулҳаё Мирзаева ана шундай бахтли битирувчилардан. У коллежни бухгалтерлик ҳисоби бўйича тугатди. Уч йил давомида олган чуқур билими, ишлаб чиқариш амалиётида олган кўникмаси ва меҳнатсеварлиги туфайли қисқа муддат ичида корхонада ҳурмат қозонгани унга Ангрендаги энг нуфузли корхоналардан бирига ишга жойлашиш имконини берди. "Насиб этса, эртага кон бошқармасига бораман, мен билан меҳнат шартномаси тузишди", деди у кувончини яширолмай.

Меҳнат ярмаркаси давомида Гулҳаё сингари коллежни имтиёзли битирган Алишер Холматов, Жайрона Абдумуталибова, Умрнисо Умарова, Дилноза Никановалар ҳам Ангрен кон бошқармасига қарашли корхоналарда ишлаш учун йўлланмаларни қўлга киритишди.

Неъмат ДУШАЕВ.

АРАФАДАГИ СОВҒА

Истиқлол йилларида мамлакатимизда изчил амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги ҳам жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Бу борада соҳани техник жиҳатдан модернизация қилиш, фермер хўжаликлари учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

1998 йилда қишлоқ хўжалиги субъектлари учун универсал тракторлар ишлаб чиқарадиган "ЎзКейс-Трактор" заводининг ташкил этилгани давлатимиз томонидан уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

"Case New Holland International" компанияси (АҚШ) ва Тошкент трактор заводи томонидан ташкил этилган "ЎзКейсТрактор" қўшма корхонаси Ўзбекистон шароитлари ҳисобга олинган ҳолда, умумий ишларда, чопиқ қилинадиган экинларга ишлов бериш, озуқа тайёрлаш, ўриш ва транспорт мақсадларида фойдаланиш учун универсал тракторлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Корхонада амалга оширилган икки йиллик тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари натижасида янги "New Holland TL 100" трактори яратилди. Янги тракторнинг тақдимот маросимида мамлакатимиз ва хорижий ишлаб чиқарувчилар, манфаатдор вазирликлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

– Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон билан кўп йиллик ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда, – деди "Case New Holland International" компаниясининг Марказий Осиёда бизнесни ривожлантириш бўйича директори Стюарт Кэмпбелл. – Янги трактор ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш учун катта аҳамиятга эга. Бу Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида фермерларга катта совға бўлди, деб умид киламиз.

Тадбир иштирокчилари корхона иш фаолияти билан яқиндан танишдилар. Бу ерда Маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилишига катта эътибор қаратилмоқда – ишлаб чиқарилаётган барча эҳтиёт ва бутловчи қисмларнинг 36 фоизи маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда. "ЎзКейс-Трактор" маҳсулотлари ISO 9001 сифат тизими сертификатига эга бўлиб, бу корхонага Марказий Осиёда экспорт бозорига чиқишда ёрдам берди.

С. ТОЖИЕВ, ЎзА мухбири.

Ҳозир дунё илмий жамоатчилиги ўртасида "ген инженерияси" деган атама анча оммалашди. Бу усул шу пайтгача номаълум бўлган кўплаб сир-синоатларни кашф этиш, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт каби муҳим соҳаларни ривожлантириш имконини бермоқда.

Қувонарлиси, мамлакатимиз олимлари ҳам дунёда кечаётган ушбу илмий-амалий жараёнларда фаол қатнашмоқда, илм-фанимиз салоҳиятини жаҳон миқёсида намоён этмоқда. Мустақиллик йилларида юртимизда илм-фанни ривожлантириш учун кенг йўл очилгани жаҳонда кечаётган илғор технологияларни илмий тадқиқотлар жараёнига татбиқ этиш, янги услуб ва воситаларни чуқур ўзлаштириш имконини бераётир.

ИЛМ-ФАНИМИЗДАГИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР

Мамлакатимизда генетиканинг анъанавий ва замонавий йўналишлари бўйича бир қатор илмий мактаблар шаклланган. Ҳозирги кунда юртимиздаги қатор илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларида жаҳондаги илмий жараёнларга уйғун равишда генетиканинг турли соҳалари бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йилда ташкил этилган Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ана шундай етакчи илмий-тадқиқот масканларидан биридир.

– Истиқлолимизнинг илк йилларидан илм-фанимиз салоҳиятини юқори босқичларга олиб чиқиш борасида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган изчил ислоҳотлар жамиятимиз тараққиётига хизмат қилмоқда, – дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти директори, биология фанлари доктори Рустам Усмонов. – Бу борада яратилган барча имкониятлардан самарали фойдаланиш, фан, таълим ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш самарасида қисқа даврда илмий-тадқиқот фаолиятида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Илмий тадқиқотларнинг энг муҳим йўналишлари ўсимликлар, жумладан, ғўза генетикаси соҳасига йўналтирилмоқда. Унинг серҳосил, иқлим шароитимизга мос, сувсизликка чидамли навларини яратиш иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларини ривожлантириш, экологик барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бу жабҳадаги изланишлар маҳсули – ғўзанинг "Меҳнат", "АН-Боёвут-2" каби навлари Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларида бир юз эллик минг гектарга яқин майдонга экилиб, мўл ва сифатли ҳосил олинмоқда. "АН-513", "Кўпайсин", "ЎзФА-703", "Келажак", "Навбаҳор-2", "Бешқаҳрамон", "АН-16" навлари синовдан муваффақиятли ўтди. Шунингдек, институт олимлари ихтиро қилган яна 14 нав синовда.

Институтда жамланган ғўзанинг генетик коллекцияси хориждаги етакчи олимлар ва мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда сақланаётган ғўзанинг ҳозиргача аниқланган деярли барча турларидан нав ва нав намуналари коллекцияси янги ўсимлик навларини яратиш ва табиий хилма-хилликни муҳофазалашда катта аҳамиятга эга. Илм-фанимизнинг бу йўналишдаги ютуқлари АҚШ, Хитой, Австралия каби кўплаб давлатларнинг илмий-тадқиқот марказлари томонидан тан олинган ва улар билан доимий алоқалар йўлга қўйилган. Айни пайтда олимларимиз ушбу коллекцияларни илмий асосда сақлаш ва бойитиш бўйича мунтазам изланиш олиб бормоқдалар.

Юртимиз дон мустақиллигини янада мустаҳкамлашда серҳосил ғалла навларини яратиш долзарб аҳамиятга эга. Институтда икки мингдан кўпроқ намунага эга буғдой генетик коллекцияси жамланган. Уни ўрганиш асосида буғдойнинг тезпишар, сифатли ва серҳосил, шу билан бирга, касаллик, зараркунандалар ва қурғоқчиликка чидамли навлари яратилаётир.

Илм-фанимиз салоҳиятини янада ривожлантириш, ёшларни ушбу соҳага кенг жалб этиш мақсадида институтда юртимиздаги қатор олий таълим масканлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Институтнинг илмий лабораторияларида ҳар йили қарийб қирқ нафар талаба малакавий битирув ишининг амалий жиҳатларини синовдан ўтказади, етакчи олимларнинг илмий фаолияти, институтда жамланган ноёб коллекциялар билан бевосита танишади.

Тошкент давлат аграр университети магистранти Хуршид Сарибоев ана шундай ёшлардан бири. Унинг магистрлик иши соя ўсимлигининг генетикаси ва селекциясини ўрганиш, янги маҳсулдор навларини яратишга бағишланган. Университетда бу борада назарий ва амалий билимни чуқур ўрганган ёш тадқиқотчи изланишларини амалда синовдан ўтказиш мақсадида Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтига келди. Ҳозирда у институтнинг тажриба базасида соянинг иккита анъанавий ва иккита янги навини ўстирмоқда ва уларнинг ривожланиш жараёнини мунтазам кузатиб бормоқда.

Соя ўсимлиги қисқа муддатда пишади ва юқори ҳосил беради, ундан олинадиган мой тўйимли ва шифобахшдир. Шунингдек, бу ўсимлик ерни азот билан бойитиш, тупроқдаги бошқа ўсимликлар фойдалана олмайдиган фосфорни фаол ҳолатга келтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш хусусиятига эга. Бундай ноёб ўсимликдан такрорий экин сифатида фойдаланилса, ер керакли моддалар билан бойийди.

– Университетда олимларимизнинг ушбу соҳадаги илмий натижалари билан яқиндан танишгач, соя ўсимлигининг генетикаси ва селекцияси хусусиятларини ўрганишга қизиқиб қолдим, – дейди Х. Сарибоев. – Ҳозирги кунда Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудири, биология фанлари доктори, профессор Мирадҳам Афзалов илмий раҳбарлигида тажриба ишларини олиб бормоқдаман. Соянинг "Генетика-1" ва "Сочилмас" деб номланган янги навларини амалдаги бир қатор навлар билан солиштириб ўрганяпман. Дастлабки хулосалар янги навлар анча сермаҳсул ва самарали эканини, келгусида юртимизда алмашлаб экиш тизимини такомиллаштиришда қўл келишини кўрсатмоқда. Бу тадқиқотларим яқин келажакда ўз мевасини беради, деган умиддаман.

Давлатимиз томонидан илм-фан ривожи учун яратилаётган имкониятлар мамлакатимиз фанини янада юксак чўққиларга олиб чиқиш, буюк алломаларга муносиб ворис бўладиган интеллектуал салоҳияти етук ёшларни камолга етказиш ва фанимизнинг эртанги тараққиётининг мустаҳкам пойдеворини яратишга хизмат қилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.

ХАЙРИЯ

УЧ ОИЛА ҚОРАМОЛЛИ БЎЛДИ

Кучли ижтимоий ҳимоя – Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган бешта тамойилнинг биридир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳолининг кам таъминланган ва кўмакка муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётга фаол аралашувини таъминлаш борасидаги ишлар изчил амалга оширилаяпти. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори аҳоли бандлигини таъминлаш ва чорва моллари туёғини кўпайтиришда муҳим қадам бўлди. Кам таъминланган оилаларга ҳомийлар ва бошқа ташкилотлар томонидан қорамоллар ҳадя этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Бекобод туманидаги кам таъминланган оилалардан яна уч нафари қорамолга эга бўлди. "Маҳалла" хайрия жамғармаси туман кенгаши раиси Азимжон Ҳожимирзаев "Ўзбекобод" маҳалласидан Ўринбой Пардаев, "Назарбой" маҳалласидан Абдусалом Ражабов ва "Шова" маҳалласидан Наргиза Раҳмоноваларга бир бошдан қорамол топширди. Бу совғалар оилаларнинг бюджетини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиши аниқ.

Қарор қабул қилинганидан буён "Маҳалла" хайрия жамғармаси туман кенгаши ҳисобидан бундай оилаларга 30 бошдан ортиқ қорамол бепул тарқатилди.

Юсуф ЭРГАШЕВ.

ИССИҚХОНАДА ЛИМОНЛАР

Бекобод туманидаги Меҳнатобод қишлоғида "Мўминжон файз" хусусий корхонаси лимон етиштиришга мўлжалланган иссиқхона қуришга киришди.

Умумий майдони 0,2 гектардан иборат лимонарий қурилиши учун Агробанкнинг Зафар филиали 100 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратди.

Айни кунларда иссиқхона қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Ҳозирдаёқ унга 400 туп лимон кўчатлари экилиб, парваришланмоқда. Бу янги иш жойида қишлоқ ёшларидан беш нафари меҳнат фаолиятини бошлади.

Юсуф САЪДИЕВ.

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАДАЛ

Шу кунларда Чирчиқ шаҳридаги "Бэст лайн продакшэн" корхонасида ишлаб чиқаришни модернизациялаш лойиҳаси жадал амалга оширилмоқда.

Хитой тараққиёт банкининг 680 минг АҚШ доллари миқдоридаги валюта кредити ҳисобига сотиб олинган дастгоҳларни йиғиш, ўрнатиш, дастлабки созлаш, ишга туширишга жараёнлари қизғин давом эттирилмоқда. Бутун куч янги техника ва технологик ускуналар билан қайта жиҳозланган ишлаб чиқариш қувватларини учинчи чоракда ишга туширишга қаратилаяпти.

Жўрабек МАЛИКОВ.

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон металлургия комбинати маданият саройида Ўзбеккино миллий агентлиги ижодкорларининг мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларидан бири – ижодий учрашув ҳамда "Алданган аёл" бадиий фильми тақдимоти бўлиб ўтди.

Режиссёр Ҳилол Насимов, бош роль ижрочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Хамидова ва бошқа актёрларнинг қизиқарли суҳбатлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.

ЁШ ТАДБИРКОР ЮРТГА МАДАДКОР

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган ёшларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бунда ҳаракат ташаббуси билан ташкил этилаётган турли танлов ва тадбирларнинг аҳамияти ҳам катта бўлмоқда. Яқинда вилоят савдо-саноат палатаси, "Микрокредитбанк", "Агробанк" билан ҳамкорликда ўтказилган танлов ҳам шу масалага бағишланди. "Камолот" Марказий кенгаши тасарруфидаги "Етакчи" ёшлар ўқув марказида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ўтказилаётган "Ёш тадбиркор – юртга мададкор", "Ёш тадбиркор камолоти – қишлоқ тараққиёти кафолати" танловларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

– Ушбу танловлардан асосий мақсад вилоятимиздаги ёшларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаоллигини ошириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни кучайтириш ҳамда уларга имтиёзли микромолиявий хизмат кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш, мустақил ҳаётда ўз ўринларини топиш ва бизнесини йўлга қўйишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда, – дейди "Камолот" вилоят кенгаши ходими Д. Абдуғаффорова. – Танловда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан 20 нафар ёшлар бизнес лойиҳалари билан иштирок этишди. Уларга тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари учун ёрдам кўрсатилди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Таҳририятга хат келди

"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ИШ ҚАЙТА ТЕКШИРИЛАДИ

Таҳририятимиз фуқаро Ш. Зиямуҳамедовдан шикоят хати олган эди. Унда айтилишича, у 2010 йил 27 май куни ўзига тегишли бўлган Юнусобод тумани 10-мавзе, 15а уй, 47-хонадонни 55,000.000 сўмга У. Абдуллаевга сотишга келишиб, Яккасарой тумани 1-Давлат нотариал идорасида олди-сотди шартномасини расмийлаштирган. Лекин У. Абдуллаев келишилган пулни ҳозирги кунга қадар тўламай юрганлигини маълум қилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Ш. П. Алаев имзоси билан жавоб хати олдик. Унда айтилишича, Юнусобод туман ички ишлар бошқармасининг тергов бўлими томонидан олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари натижаларига кўра, аризачи Ш. Зиямуҳамедов ва У. Абдуллаев ўртасида нотариал тартибда олди-сотди шартномаси расмийлаштирилганлиги ҳамда У. Абдуллаевнинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли, мазкур ҳолат бўйича 2011 йил 2 июнда ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисмига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган. Мазкур қарор назорат тартибида Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, 2011 йил 21 июндан бекор қилинган ва қўшимча текширув ишларини олиб бориш учун Юнусобод туман ички ишлар бошқармасининг тергов бўлимига юборилгани маълум қилинган.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ОЛДИДАГИ МАЖБУРИЯТ

Вояга етмаган, шунингдек, вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахсларга таъминот бериш мажбурияти баъзида қариндошларга ҳам юклатилади деган гап тўғрими?

К. Боймирзаев, Бўка шаҳри.

Ўзбекистон касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ҳуқуқшуноси Надежда Ефимова жавоб беради:

– Оила кодексининг 122-моддасида қайд этилганидек, вояга етмаган, шунингдек, вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахслар таъминоти мажбурияти, башарти бу ишни бажариш бевосита бурчи бўлган шахслар бўлмаса ёки улардан таъминот кутиш бефойда бўлса, суд томонидан уларнинг етарли маблағга эга бўлган қариндошлари: бува, буви, невара, ака-ука, опа-сингил, шунингдек, ўгай ота ва она, ўгил-қиз, доимий тарбияда бўлган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин.

АЁЛЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

Тунда ишлашга жалб этишда аёлларга нисбатан қандай чеклашлар белгиланган?

Н. Салимова, Чиноз тумани.

– Меҳнат кодексининг 228-моддасига биноан ҳомиладор аёлларни ҳамда ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни тунги сменага фақат уларнинг розилиги билан жалб қилиш мумкин. Аммо бундай розилик бўлган тақдирда ҳам тунда ишлаш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлиши шарт.

АКС-САДО

КЕЛИНЧАКНИНГ АЙБИ НИМА?

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2011 йил 16 июнь сонида чоп этилган «Ихчам тўй, ибратли тўй» мақоласини ўқиб

Хумора одобли, қўли гул тикувчи эди. Уни бир олам орзу-умидлар билан турмушга узатишди. Афсуски, оиласининг қўли бироз калталик қилиб, қизлик сепига замонавий "Мадонна" гилами ўрнига ўзимизнинг Бухоро гиламини, чет эл ётоқхона жиҳози ўрнига ўзбек ҳунармандлари ишлаб чиқарган юмшоқ мебель қилишгани учун қайнонанинг назарида таги паст ва омига айланди. Ўтирса – ўпоқ, турса – сўпоқ дейишди. Ўғли ишдан чарчаб келган заҳоти келинни ёмонлайверди. Натижада ёш оила узоққа бормай барбод бўлди. Зебзийнатга ўч қайнона яна данғиллатиб тўй қилиб, ўғлини бошқасига уйлантириб қўйди. Хумора эса... Бечора қиз бахтини йўқотгани қолди.

Афсуски, орамизда юқоридаги каби иллатлар учраб турибди. Тўй дастурхонлари устида айрим аёлларнинг "фалончининг келинининг сарполари мундоқ, уникичи?" "Фалончининг бўхчаси мундоқ, фалончиники-чи?" деган гап-сўзлару ғийбатлари қулоққа чалиниб қолади.

Тўй бу – бир кунлик хурсандчилик, ўтади-кетади. Аммо бунинг учун оилалар йиллаб йиғиб-теринади. Ростини айтганда, баъзи тўйларимиз ҳаддан ташқари серҳаражат ўтади. Бу ҳол айримларга тайёр ғийбат учун асос. Ёши катталар тўй-ҳашамларда ёшларга бахт-саодат тилаб дуо ўқиш ўрнига, фалончи билан фалончи тўйининг муҳокамаси учун йиғилгандек гўё.

Тўйларимизни ихчамлаштириш – бу барчамизга маъқул. Никоҳ базмларини кундуз кунлари ўтказиб, қиз базми бутунлай бекор қилинса айни муддао.

Маъракаларимизда ҳам ортиқча исрофгарчилик ва дабдабани кузатиш мумкин. Ҳозир "биринчи пайшанбалик", йил оши маъракаларига ҳам таклифномалар берилаяпти. Мархум хотираси учун маърака тўйми-дики, тантанавор таклиф этилса...

Масалан, бирор жойга маъракага борсангиз, биринчисига макка гўжа, гўрковга чопон, ювганга камроқ берибсан, кўпроқ бер, дастурхонга уни қўймабсан, буни кам олиб келибсан, каби гап-сўзларни эшитасиз. Бу исрофгарчиликлар, уволгарчиликларни чек-чегараси бўлиши керак-ку, ахир?!

Мавлуда СУЛАЙМОНОВА,
Ангрен шаҳар, «Гурум» маҳалласи фаоли.

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

Чирчиқ шаҳридаги 12-мактабнинг спорт залида "Саломатлик ва экология" дастури доирасида "Спорт умрни узайтиради" мавзуида қувноқлар ва зукколар танлови ўтказилди. Уни "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси шаҳар кенгаши 6- ва 7-маҳаллалар фуқаролари йиғинлари, ички ишлар бўлими, прокуратура, "Адолат" социал-демократик партияси шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этди.

– Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган бу байрамда ҳар икки маҳалланинг "Мурувват" ва "Умид" жамоалари ҳаққонлик ва билимдонлик синовидан ўтишди, – деди "Соғлом авлод учун" жамғармаси шаҳар кенгаши раиси Фарида Усмонова. – Ушбу тадбир арафасида ҳар икки маҳаллада озодалик ва ободонлаштириш ҳафталиги ўтказилди.

Бундай байрамолди тадбирлари барча маҳаллаларда ташкил этиляпти.

Собирали ЖЎРАЕВ.

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ТЕННИС

НИГИНА ВА АЛЬБИНА – БОШ СОВРИН СОҲИБАЛАРИ

Фарғонада хотин-қизлар ўртасида ўтказилган халқаро теннис турнирининг жуфтлик баҳсларида иқтидорли теннисчиларимиз Нигина Абдураимова ва Альбина Хабибулина бош совринни қўлга киритди.

Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига кирувчи мазкур мусобақада ўндан зиёд мамлакатдан келган спортчилар ғолиблик учун куч синашди.

Нигина Абдураимова ва Альбина Хабибулина жуфтлиги дастлабки учрашувда россиялик Мая Гаверова ва словениялик Тадея Мажеричи, чорак финалда ўз ҳамюртлари Малика Орифжонова ва Гулчехра Муҳаммадсиддиқовани, ярим финалда яна бир истеъдодли теннисчимиз Сабина Шарипова ва россиялик Александра Артамонова жуфтлигини енгиб, финалга чиқди.

Ҳал қилувчи баҳсда америкалик Елизавета Анна Немчинов ва туркманистонлик Анастасия Пренко дуэтини 6:4, 2:6 ва 10:8 ҳисобида мағлубиятга учратган иқтидорли теннисчиларимиз жуфтлиги бош совринни қўлга киритди.

Яккаликлар баҳсининг финалида индонезиялик Аюфани Дамаянти Хитой Тайпейи вакиласи Су-Вей Хсиех устидан 6:3, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди.

ЎзА.

ПАРТИЯЛАР ҲАЁТИДАН

ҚОНУНИЙЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида Ўрта Чирчиқ туманида тадбиркорлик ҳаракати кенгайиб, юзлаб янги кичик корхона ва хусусий фирмалар фаолият бошлади.

Бинобарин, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни тадбиркорларга етказиш, улар кредитларни ўз вақтида олишлари ва мақсадли сарфлашларига кўмаклашиш долзарб масалага айланди. Шу боис Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси туман кенгаши ҳуқуқий тарбияни кучайтириб, тадбиркорлар учун кўплаб давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуман, ўқув машғулотлари ташкил этди. Партия фаоллари ва электорати саъй-ҳаракатлари билан 3 мингга яқин янги иш ўринлари ташкил этилди.

Партиянинг туман ташкилоти ҳисобот-сайлов қурултойида жаҳон иқтисодий инқирози шароитида туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини изчил амалга оширишга партиянинг маҳаллий вакиллик органларидаги гуруҳлари қўшаётган ҳиссани кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Партиянинг туман кенгаши раиси Мансур Юсупов ҳисобот маърузасида бу борада эришилган натижаларни танқидий баҳолаб, тадбиркорлар палатаси, "Тадбиркор аёл" уюшмаси фаолиятини жонлантириш, тадбиркорлар, айниқса, хотин-қизларга хусусий ишларини ташкил этиш учун имтиёзли микрокредитлар ажратиш жараёнидаги сарсонгарчиликларга барҳам бериш лозимлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш муҳим вазифа эканлигини таъкидлади.

Қурултой партия ташкилоти ишини жонлантиришга қаратилган қарор қабул қилди. Туман партия кенгаши раислигига Мансур Юсупов қайта сайланди.

Жўрабек МУРОДОВ.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан қўйилган автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

– "ВТУ Халқабод" ОАЖга қарашли, 12.10.2010 йилдаги 11-1019/2424-сонли ижро ҳужжатига асосан, Янгийўл т. А. Ортиқов қ.ф.й., Нов маҳалласида жойлашган "Янгийўл ТЎҲХПТФДК"да сақланаётган: 1. "ГАЗ-3307" русумли, д/р 11АС332 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 631 448 сўм. 2. "ГАЗ-5201" русумли, д/р 11АО070 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 031 811 сўм. 3. "КАВЗ-3976" русумли, д/р 11АR060 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 100 971 сўм. 4. "ГАЗ-5205Р" русумли, д/р 11АО071 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 931 411 сўм. 5. "ВАЗ-21154-120-20" русумли, д/р 11ТV069 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 032 701 сўм. 6. Янгийўл т. А. Ортиқов қ.ф.й., Нов маҳалласида жойлашган "Янгийўл ТЎҲХПТФДК"да сақланаётган "Тико" русумли, д/р 10 219 ААА бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 21.07.2011 й., №1787-1881/12. Бошланғич баҳоси – 7 556 786 сўм. 7. Янгийўл т. "Янгийўл Савдо Файз Барака"та тегишли 2-сонли омборхонада сақланаётган "Матиз" BEST русумли, д/р 10Е519АА бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 16.09.2010 й., №8511. Бошланғич баҳоси – 11 500 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Бекобод шаҳар СИБ томонидан қўйилган автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

– Бекобод шаҳар "Бекободсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган: 1. "М-412" русумли, д/р Ж9191ТШ бўлган, 1971 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.05.2010 й., №5446. Бошланғич баҳоси – 432 104 сўм. 2. "ЗАЗ-968М" русумли, д/р 11S1813 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 19.03.2010 й., №1618. Бошланғич баҳоси – 193 341 сўм. 3. "М-412 ИЭ" русумли, д/р 11G4538 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.02.2010 й., №850. Бошланғич баҳоси – 596 970 сўм. 4. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11U7834 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.01.2010 й., №14. Бошланғич баҳоси – 368 129 сўм. 5. "ВАЗ-2101" русумли, д/р 11Q4625 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 07.04.2009 й., №3276. Бошланғич баҳоси – 1 186 871 сўм. 6. "УАЗ-452" русумли, д/р 11V9639 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 04.08.2010 й., №7317. Бошланғич баҳоси – 524 880 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 6 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автомототранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойита чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

XXI аср ва ДУНЁ

ГЕРМАНИЯДА ҚЎПОРУВЧИЛИК ЮЗ БЕРИШИ МУМКИН

ГФР Ички ишлар вазирлигининг маълум қилишича, ультраўнг кучлар вакили Андерс Брейвик Норвегияда содир этгани каби террорчилик акти Германияда ҳам юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ультраўнг гуруҳлар фаолияти кейинги пайтда анча жонлангани ҳақида етарли асосли маълумотларга эга. Кўпгина гуруҳлар норвегиялик террорчини қўллаб-қувватлаш ва у содир этган терактдан ҳар қандан миллатчи ва радикал унсурларни хезлаш воситаси сифатида фойдаланиш зарур деб ҳисоблайди.

Мамлакатнинг 20 дан зиёд нуқтасида ўтказилган тинтув натижалари вазирликнинг хулосаси асосли эканлигини тасдиқлади. Тинтувлар жараёнида қўплаб қурол ва ўқ-дорилар олиб қўйилди. 18 киши ультраўнг гуруҳлар фаолиятига алоқадорликда гумон қилиниб, ҳибсга олинди.

ТЕПЛОХОДНИ БОШҚАРОЛМАЙ ҚОЛИШДИ

Шу йил июнь ойининг бошларида "Волга" дарёсида "Булгария" йўловчи теплоходи ҳалокатга учраб, ўнлаб кишилар қурбон бўлганди.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида шу ҳақдаги хабарлар ҳали тинмай туриб, Интернет ҳамда эфирда "сув балоси" ҳақидаги янги хабарларни тарқатишди. Бепарво одамларнинг носоз сув транспорти воситаларида саёҳатга чиқишлари сабабли фалокатлар содир бўлмоқда.

Туркиянинг Измир шаҳри яқинида бортида 200 киши бўлган теплоход чўкиб кетди. Бунга теплоходнинг бошқарув тизими (рули) ишдан чиққани боис денгиз маёғи билан тўқнашиб кетгани сабаб бўлди. Хайриятки, бу сафар қурбонлар бўлмади. Чўкаётган кемадан йўловчиларни кўчириш операцияси муваффақиятли ўтди.

НИГОҲ

НАЗОРАТЧИ КЎП, НАЗОРАТ ЭСА...

2010 йилда гиёҳвандлик моддаларига қарши кураш ташкилотлари афғон героинининг асосий қурбони бўлаётган Россиянинг аччиқ қисмати ғамини ейишди. АҚШ давлат департаментининг гиёҳванд моддаларни назорат қилиш халқаро стратегияси тўғрисида эълон қилган маърузаси бошдан бир челак совуқ сув ағдариш таъсирини берди. "Йилига 70 тонна гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилинаётган Россия афғон героини сотилаётган йирик бозор вазифасини бажармоқда".

Шу далилдан сўнг нурсиз статистик маълумотлар давом этади: "Героинга боғланиб қолганлар ўтган йили 1,6-1,8 миллион кишига етди. Ҳаммаси бўлиб эса, Россияда гиёҳвандлик моддаларини 2,5 миллион киши (аҳолининг 1,8 фоизи) "эрмак" қилади. Уларнинг 100 мингга яқини меъёридан ортиқча ёки сурункали қабул қилиш сабабли ҳалок бўлади.

Гиёҳвандлик моддаларининг тури кўп, ҳажми, вазни эса салмоқли. Халқаро таҳлилчилар дахшатли далилларни келтиришдан тўхтамайдилар. Тожикистон ҳукумати раҳбарлари бундай ташвишли хабарларни эшитаверадилар, бироқ бир қулоқлари билан эшитиб, иккинчисидан чиқариб юбораверадилар. Негаки, афғон гиёҳвандлик моддаларининг Россияга ва ундан нари Шарқий ҳамда Ғарбий Европа мамлакатларига транзит қилинишида ўша ҳукумат одамларининг 70 фоизи бевосита айбдор.

Афғонистондан чиқаётган гиёҳвандлик моддаларидан Россия ва Европани муҳофаза қилувчи қалқон вазифасини ўтаётган Тожикистоннинг юқори мансабли амалдорлари "уларнинг ноқонуний трансмиллий айланишига қарши курашга қатъий киришдилар" ва БМТнинг гиёҳвандлик моддаларга қарши Конвенцияларига қўшилдилар. Гиёҳвандлик моддаларни назорат қилиш агентлиги (ГМНҚА) директори Рустам Назаров расмий тузилмалар ўтган йилда 2009 йилдагига нисбатан 10,5 фоиз кўп гиёҳвандлик моддаларни тортиб олганликлари ҳақида маҳаллий ахборот воситаларида жар солди. Умуман, 3902 килограмм гиёҳвандлик моддаси олиб қўйилганини маълум қилди у.

Энди гиёҳванд моддаларга қарши қатъий саъй-ҳаракатлардан хурсанд бўлган ҳолда арифметиканинг у қадар мураккаб бўлмаган қоидаларига мурожаат қилиб кўрайлик. 4 тоннага яқини ушланиб, тортиб олинди, 70 тоннаси эса, белгиланган манзил – россиялик гиёҳвандлар қўлига "эсон-омон" етиб борди. Кўриниб турибдики, гиёҳвандчилардан ҳар 13 килограммдан бир килограммигина тортиб олинди. Қолган қисми эса, гиёҳвандлик моддаларига қарши "бош курашчи" ҳудудидан муваффақиятли ўтиб, тўппа-тўғри ютоқиб кутган гиёҳвандлар қўлига бориб тушган.

Нима ҳам дейиш мумкин, қалқон ҳақиқатан ҳам жуда "кучли". Чет эл оммавий ахборот воситалари эътироф этаётганидек, Тожикистоннинг кўплаб фуқаролари учун наркобизнес деярли анъанавий фаолият турига айланиб қолган. Ўтган йили оммавий ахборот воситаларида ҳукумат амалдорларининг кескин норозилигига сабаб бўлган хабар чиқди. Унда айтилишича, ҳар куни тожик-афғон чегарасидан 300 тага яқин юк машинаси ҳеч қандай тўсиқсиз ўтиб туради. Ҳар икки машинанинг бирида героин бор, албатта. Бу хабар Имомали Раҳмоннинг ўзини ҳам ноқулай аҳволга солиб қўйди шекилли, 2011 йилни гиёҳвандлик моддалари ноқонуний айланишига қарши кураш йили деб эълон қилиш ҳақида БМТга таклиф берди. Ўшанда у МДҲ гиёҳвандликка қарши маҳкама ташкил этиш ғоясини маъқуллаган ва қўшнилар ҳамда минтақадаги бошқа шериклар билан гиёҳвандлик моддалари мавзусида учрашувлар ўтказганди. Бир сўз билан айтганда, гиёҳвандлик моддаларига қарши қизғин ҳаракат бошланганди.

Янги тузилманинг қай даражада самара берганини Афғонистон бўйича ишчи гуруҳнинг Тожикистон Республикасида ўтказилган кўчма мажлиси якуни юзасидан эълон қилинган ОДКБ тушкун руҳдаги баённомасидан ҳам билиш мумкин. Унда таъкидланишича, Афғонистон Ислом Республикасида гиёҳвандлик моддалари етиштириш кўлами шу даражада кенгайиб кетдики, эндиликда бу ҳолат халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солмоқда. ОДКБ шафелигида ўтказилаётган гиёҳвандлик моддаларига қарши "Канал" операцияси доирасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳам қайд этилди. У гиёҳвандлик моддаларини контрабанда қилиш йўлларини аниқлаш ва тўсиқ қўйишда қанчалик самарали эканлигини амалда кўрсатди.

Тожикистоннинг ўзида эса, бутун бошли бешта маҳкама – Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат миллий хавфсизлик қўмитаси чегарачилар ва божхоначилар наркоэкспанцияга қарши кураш олиб боради. Наркоэкспанция эса шунча кучга ҳам бўй бермаяпти.

Хуллас, назоратчи етарли, аммо, назорат йўқ...

Дмитрий БЕЛЯКОВ.
tjknews.com

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Доцентлар: "Ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар" кафедрасига – Олий математика-(1), "Кон электромеханикаси" кафедрасига – Технологик жараённи автоматлаштириш-(1), "Кон иши" кафедрасига – Фойдали қазилмаларни ер ости усулида қазиб олиш-(1), "Металлургия" кафедрасига – Экология, ҳаётий фаолият ва фуқаро муҳофазаси-(1)

Катта ўқитувчилар: "Ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар" кафедрасига – Инглиз тили-(1), "Кон электромеханикаси" кафедрасига – Тоғ машиналари ва комплекслари – (1), "Кон иши" кафедрасига – Маркшейдер ва кон геометрия асослари-(1), "Металлургия" кафедрасига – Рангли металлар металлургияси-(1)

Ассистентлар: "Ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар" кафедрасига – Жисмоний маданият ва спорт-(1), "Кон электромеханикаси" кафедрасига – Информатика ва ахборот технологиялари-(1), "Кон иши" кафедрасига – Фойдали қазилмаларни ер ости усулида қазиб олиш-(1), "Металлургия" кафедрасига – Умумий ва ноорганик кимё-(1).

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Олмалиқ шаҳар, А. Темур кўчаси, 56-уй, ўқув бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Телефон: (8370) 619-57-62.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан 29.05.2006 йилда рег. № 001261-09 рақам билан рўйхатдан ўтган "GULOBOD QURILISH SERVIS" МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр ва тўртбурчак штамп йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 10.09.2008 йилда № 004074-11 реестр рақамли "INTER CONSULT SERVICE" ХК номига берилган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ИП ООО "VADIM AND MAKSIM", зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Чиланзарского района г. Ташкента за реестровым № 004326-08 от 13.11.2008г., (ИНН 300983447, ОКПО 22576752) сообщает об уменьшении уставного фонда с 124 821 901,60 сум до 3 000 000 сум.

ФАРОВОН ЯШАШ ИМКОНИЯТИ

Дарҳақиқат, рақобат йўқ жойда иложсизлик ва ночорлик пайдо бўлади. Ўша даврнинг тартиби ҳам шу эди-да: олсанг шу! Қолипли нонни аҳоли эҳтиёжи ва талабига қараб ҳар хил шаклларда ишлаб чиқариш, маҳсулот турини кўпайтириш, рақобат муҳитини яратиш ҳақида биров ўйлаб ҳам ўтирмасди.

– Хизмат сафари билан 1987 йили Европа мамлакатларидан бирига борганимда, дўкон расталаридаги нонларни кўриб, оғзим очилиб қолган, – дейди меҳнат фахрийси Турсунбой Маъруров. – Катта-кичик оғирликда ва шаклда... Махсус қадоқланган, ишлаб чиқариш санаси кўрсатилган нонлар. Ўшанда нима учун бизда шундай нонларни чиқариш мумкин эмас, деб ўйлагандим. Чунки чоракта, яримта, бир яримта нон зарур бўлса ҳам битта ёки иккита нон олишга тўғри келарди. Албатта, бу исроф-гарчиликка ҳам сабаб бўларди...

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан аҳолини энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, нон билан барқарор таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Нон саноатини замонавий асосда ривожлантириш, Европа усулида нон хилларини ишлаб чиқарадиган нон заводлари ва новвойхоналар барпо этишга киришилди. Кўплаб шаҳар ва қишлоқларда кичик нон корхоналари ишга туширилди.

"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси таркибида 1995 йилда фақат Тошкент, Янгиўл, Фарғона, Қарши шаҳарларида 4 та нон ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда 21 та нон заводи фаолият кўрсатган бўлса, бугун компания тизимидаги 40 та корхонада 65 та нон ишлаб чиқариш цехи халқимизга жаҳон стандартлари асосида сифатли нон ва нон маҳсулотларини етказиб бермоқда. Айни пайтда мазкур корхоналарда 35 турдаги нон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори билан мамлакатимиз нон ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилди. Замонавий хамир тайёрлов агрегатларининг ўрнатилиши, узлуксиз хамир тақсимловчи тизимлар, ун ҳамда туз, хамиртуруш, шакар, ёғ каби маҳсулотларни сақлашда янги технологияларнинг татбиқ этилиши нон саноати ривожида муҳим омил бўлди.

"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, аҳолини сифатли нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 2009-2011 йилларда тизим корхоналари томонидан 42 та замонавий нон цехи ишга туширилган. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур цехларда кам энергия эвазига ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробар оширилди. Натижада компания тизимида ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилнинг ўзида 2009 йилга нисбатан 72 фоизга ошди.

Замонавий технологиялар асосида қолипли нонларни турли катталикда, аҳоли эҳтиёж ва талабига мос тарзда тайёрлаш имконияти янада кенгайди. Янги цехларда 2010 йилда қолипли нонлардан ташқари 25 хилдан ортиқ оби нон, патирлар, булочкалар ва шифобахш нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Айни вақтда юртимизда нон ишлаб чиқаришга ихтисослашган минглаб кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Нафақат шаҳарлар, туман марказлари, балки қишлоқ жойларда ҳам кичик новвойхона, турли хилдаги қолипли нон ишлаб чиқарувчи мини заводлар ишга туширилмоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз нон саноати корхоналарида 300 хилдан кўпроқ нон ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳар куни нон истеъмол қиламиз. Ун таркибидаги 30-35 фоиз оқсил, 60-70 фоиз углеводлар, витаминлар, минерал тузлар, шунингдек, темир, кальций, фосфор ва бошқа моддалар инсон организми учун муҳим аҳамиятга эга. Шу боис бу компонентларнинг барчаси ўз меъёрида нон таркибида бўлиши зарур.

Бугунги кунда дўконларда ана шундай шифобахш нонларнинг ўнлаб тури аҳолига таклиф этилмоқда. Турли касалликлар билан оғриганларга махсус тайёрланган нон маҳсулотлари тавсия этилади. Жумладан, қанд касали, ошқозон, ичак йўлларида муаммоси бўлган беморлар учун майдаланган буғдой ва кепак аралашмаларидан турли шакл ва ҳажмдаги нонлар тайёрланмоқда. Шунингдек, бундай маҳсулотлар ортиқча семириб кетишдан асрайди. Ошқозон-ичак касалликларига чалинган беморлар учун тузи пастроқ, қотирилган нон ишлаб чиқарилаётган бўлса, буйраги, юрак-қон томирлари хасталанганлар учун тузи кам маҳсулотлар – тешик кулчалар ва қотирилган нонлар тайёрланмоқда. Буқоқ билан касалланишнинг олдини олиш мақсадида эса дўконларга йодли батонлар етказиб берилмоқда.

Дўконларда сотилаётган барча нонларнинг сифати доимий эътиборда. Гигиена қоидаларига тўла риоя қилинишини таъминлаш мақсадида нон маҳсулотлари ичидан ҳавоси сўриб олинган пакетларда қадоқланган ҳолда сотилаётгани харидорларга манзур бўлмоқда. Бу нонларнинг сақланиш муддатини узайтириб, сифати ўзгаришига йўл қўймайди. Энг муҳими, маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш санаси ва истеъмолга яроқлилик муддати аниқ кўрсатилмоқда.

– Ҳар куни темир моддаси ва йод билан бойитилган ундан қолипли ва 14 хилда шифобахш нон тайёрлаймиз, – дейди пойтахтимиздаги "Сумбула-нон" корхонаси раҳбари Тоҳир Одилов. – Цехларимизга ўрнатилган замонавий линиялар маҳсулот сифатини яхшилашда қўл келмоқда. Корхонамизда тайёрланаётган қолипли нон, патир, жавдари нон, турли булочка маҳсулотлари хуштаъмлиги, нархининг арзонлиги билан харидоргир.

Президентимиз Ислом Каримов куни кеча 6 миллион 800 минг тонналик улкан хирмон бунёд этган юртимиз ғаллакорларини табриклади. Ғаллакорларимизнинг бу улкан ғалабаси дунё микёсида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тобора долзарб аҳамият касб этаётган бир пайтда халқимизда эртанги кунга ишонч туйғусини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Буғдойнинг мўллиги кўнгил тўқлиги, рўзғордан нон узилмаслигининг кафолатидир. Бугун деҳқону фермерларимиз етиштираётган ҳосилнинг ярмидан кўпи ўз ихтиёрида қолаётгани ҳам ана шу эзгу мақсадни кўзлайди.

Бир пайтлар режа учун ишлаган, уйига бир қоп буғдой келтиришни тасаввур ҳам қилолмаган деҳқон бугун тонналаб донни ўз омборига тўкмоқда. Ўзи етиштирган буғдойдан сифатли нон ишлаб чиқариб, халқимизга тортиқ қилаётган ишбилармон фермерларимиз тобора кўпаймоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, "айни вақтда ғаллачиликни ривожлантириш ҳисобидан юртимизда озиқ-овқат саноати, чорвачилик ва паррандачилик каби тармоқлар жадал тараққий топиб, ички бозоримизни ун ва нон, гўшт ва сут маҳсулотлари, тухум билан таъминлаш масаласида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган натижаларга эришаётганимизни бугун ҳар қадамда кўриш, сезиш қийин эмас".

Буларнинг барчаси юртимизда нон тўкинлиги, халқимиз дастурхонида бу азиз неъмат мўл бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Заминимизда қадимдан ривож топган новвойчилик санъатини ривожлантириш, аҳолини арзон ва сифатли нон маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятини кенгайтирмоқда.

Яқинда пойтахтимизда нонлар ва ширинликлар байрами бўлиб ўтди. Унда намойиш этилган юзлаб хилдаги нон ва нон маҳсулотлари, шарқона ширинликлар халқимизнинг меҳмондўстлиги, нонга бўлган алоҳида эҳтиромини яна бир карра кўрсатди. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган меҳмонлар озод ва обод юртимиздаги тўкинлик, фаровонликка яна бир карра гувоҳ бўлдилар. Халқимизнинг минг йиллик анъаналарию қадриятларини ҳавас билан томоша қилдилар.

Ўша байрамда испанялик сайёҳ Мерсе Батет Алкон билан суҳбатлашганимизда, у ҳайратини яширолмади. "Нахотки, оддий ундан шунчалик кўп хилда нон тайёрлаш мумкин бўлса! Ҳайратланарлиси – ҳаммасининг таъми ўзгача, жуда тотли. Ўзбекистоннинг новвойлик санъати, нон ишлаб чиқариш саноати мени ҳайратга солди. Нон тайёрлашда юртингиздан жуда кўп нарсани ўрганса арзийди", деди у.

...Оддий нон тайёрлашда ҳам бир пайтлар хориж тажрибасига ҳавасимиз келарди. Юртимиз дўконларида нонлар хилма-хил ва мўл бўлишини орзу қилардик. Истиқлол туфайли ана шу орзуларимиз ушалди. Мана шунинг ўзиёқ мустақиллик халқимизга унинг манфаатларини ва фаровонлигини таъминлашда нечоғли улкан имкониятлар берганининг яна бир яққол тасдиғидир.

Хуснинддин БЕРДИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

САРАТОН

Бобоқуёш остидаги уй гўзал,
Ёз ҳақинда чалинажак куй гўзал.
Сен аввало замин меҳрин туй, гўзал,
Қийноғингда, қайноғингда бир макон –
Саратон.

Шарбат йиғар ишкомда ҳусайнилар,
Қуёш базми кўчган гўё боғларга,
Офтоб ортган елкага оғайнилар,
Ўт ичинда ёнар гўё лаҳза, он –
Саратон.

Кўк гумбазнинг тагида бир олов бор,
Шу заминга қадалган чўғ – ялов бор,
Ҳатто тоғлар бошида ҳам қалов бор,
Ер тандири оқармоқда, узар нон –
Саратон.

Табиатнинг шудир қайноқ лаҳзаси,
Дил ёзарга мудом қувноқ лаҳжаси,
Асад ойи – гўё олов парчаси,
Саховатга қўлин очган Ер – Осмон –
Саратон.

АСРАГИЛ, ЎЗБЕКНИНГ АЁЛЛАРИНИ

Онам де, ёрим де, синглим де, фақат
Муборак қўлларин айлагин тавоф,
Бахш айла, сен унга дилдан муҳаббат
Ва кўнгил дардига беролгин жавоб.
Турмуш банд этгандир хаёлларини,
Асрагил, ўзбекнинг аёлларини.

Бири Фотимадир, бириси Зуҳро,
Кўнгил осмонида чироқларимсиз,
Манзурим, Марғубим, бу гулшан аро
Оламни кўрмоққа нигоҳларимсиз.
Севгандек кўкламнинг ниҳолларини,
Асрагил, ўзбекнинг аёлларини.

Андиша, одобнинг бекаси улар,
Феруза осмондир кўзгуси асли.
Шунданми, ёруғдир юлдузли тунлар,
Тонг дилбар аёлдир, қуёшнинг васли.
Тинглай бил, азалий саволларини,
Асрагил, ўзбекнинг аёлларини.

Бу уйнинг Зайнабу Кумушлари бор,
Тўйларга бош бўлар Ўзбегойимлар,
Оқила, донодир, ҳар ишда дилбар
Ўзбегойимларни мақтаб қўйинглар.
Миллат деб ўтказар ҳар онларини,
Асрагил, ўзбекнинг аёлларини.

Жони темирдандир, кўнгли гул каби,
Аждоди Тўмарис, Барчинлар бўлган,
Улуғвор сўзларин салмоғи, зарби,
Шунданми, бошига бахт қуши қўнган.
Гар севсанг истиқлол шамолларини,
Асрагил, ўзбекнинг аёлларини!

КУЧ – АДОЛАТДА!

(ФИФА рефериси Равшан Эрматовга)

Яшил майдон фазодир,
тўп гўёки куррамиз,
Чиқмасин деб майдондан
бизлар ушлаб турамиз.

Рустамларнинг юрти бу,
курашда мард, ботирдир.
Ўзбеклар ҳам дунёни
бошқармоққа қодирдир.

Ҳалол ўйин ҳадисин
ўргатиб қўяр Равшан,
"Куч – адолатда" дея
кўрсатиб қўяр Равшан.

Японча хатоликлар
бу майдонда кетмайди
Арабча гирромликлар
энди асло ўтмайди.

Букун футбол чиндан-да
кучлиларни терибди,
Дунё бизга ишониб
кенг майдонни берибди.

Шул майдонда бахт, омад
доимо кулсин деймиз,
Ҳалоллигу адолат
чемпион бўлсин деймиз.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

Изоҳга ҳожат йўқ. caricatura.ru

АЗАЛИЙ УДУМЛАРИМИЗ

Шойимкўприкда, катта йўлнинг ўнг қанотида этагини кўз илғамайдиган бедазор бор. Ҳосил йиғиб олиниши билан то Наврўз байрамигача шу майдонда улоқ чопишади. Эрта тонгдан бошлаб ҳар томондан от ортилган машиналар шу дала четига кела бошлайди. Бир чеккада ёш-яланглар самовар қайнатган, кимдир йиғма стол-стулларни жойлаштириб, дастурхон ёзган. Нарироқда кабобпаз йигит қўрага ўт ёққан...

– Кўпкари хўп қизиқарли томоша-да, – деди чеккада турган йигит шеригига. – Бутун вужудингни қамраб олади.

– Нимасини айтасан, Ҳакимжон, – деди дўсти, кейин бироз ўйлаб турди-да, ўзи-ўзига савол бергандек қўшиб қўйди. – Қизиқ, қачонлардир удум бўлиб қолганда бу ўйин.

«КЎПКАРИ»ми ёки «КЎПНИНГ ИШИ»?

– Ҳа-ҳа, – деди Ҳакимжон. – Кейин мусобақага, спортнинг бир турига айланиб кетган.

– Болаликда бир ривоят эшитганим бор...

Дўстлар овоз эшитилган томонга ялт этиб қарашди. Икки қадам нарида оппоқ соқолли бир мўйсафид теракка суяниб турарди. Йигитлар бараварига салом беришди.

– Қани амаки, мана бу стулга ўтиринг, – столга дастурхон ёзаётган бола шундай деди-да, йўлнинг у бетидаги хонадонга кириб кетди. Дам ўтмай чойнак билан тўртта пиёла кўтариб чиқди.

Мўйсафид билан йигитлар стол атрофига ўтиришди. Ҳакимжон чойни қайтариб, устига сочиқ ташлаб қўйди.

– Бувамни Қодир чавандоз дейишарди. Етмиш ёшларида ҳам давраларга от қўйиб кириб борардилар, раҳматли. Ўнўн бир ёшларда эдим. Бир куни отига мингаштириб мени ҳам қўшни қишлоққа кўпкари томошасига олиб бордилар. Ўшанда йўл-йўлакай бир ривоят айтиб бергандилар...

Ҳакимжон пиёлага чой қуйиб, мўйсафидга узатди. Оқсоқол бир хўплаб, пиёлани дастурхонга қўйди-да, ҳикоясини бошлади...

Ривоят қиладиларки, жуда қадим замонда бир қария хонадонида улоқни сўйдириб, қассобни кузатиб чиқипти. Бир пайт ҳовлига қайтиб кирса, икки набираси янги сўйилган улоқнинг терисини талашиб-тортишаётганмиш. Боядан буён тут соясида чиллак ўйнаётган бошқа болалар ҳам уларга келиб қўшилишипти. Уларнинг қизғин ҳаракатлари, бири олиб-бири қўйиб улоқни тортишини кузатиб турган донишманд мўйсафид болаларнинг бу ўйинига қизиқиб қолипти. Эртаси куни қўшни болаларни ҳам тўплаб, ўйинни такрор кузатипти. Болаларнинг улоқ терисини тортқилаб ўйнашлари кун сайин қизиқарли бўлиб бораверипти.

Шунда донишманд мўйсафид икки ўғлини отларга миндириб, улоқ терисини тортиш ўйинини отлиқларга машқ қилдириб кўрипти. Энди бу ўйин болаларнинг терини тортишишидан ҳам қизиқарли тус олипти. Лекин донишманд улоқ териси отлиқларга енгиллик қилаётганлигини пайқаб қолипти. Ўйлаб-ўйлаб, отлиқларни кўпайтирипти-да, бир улоқни сўйиб, бутунлигича отлиқлар давраси ўртасига ташлапти. Отлиқ йигитлар улоқни талашиб-тортишиб, узоқ ўйнашипти. Қизиқиб, кейинги кунлари бу ўйинга бошқалар ҳам қўшилишипти. Донишманд майдоннинг нариги чеккасига бир марра белгилапти. "Кимки улоқни маррага етказса, ғолиб бўлади", деб эълон қилипти. Ўйин шу зайлда чинакамига чаққонлик, эпчиллик, кучлилик мусобақасига айланиб кетипти.

Донишманд узоқ ўйлаб бу ўйинни "Кўпкари", яъни "Кўпнинг иши" деб номлапти. Улоқ чопувчиларга чавандоз, полвон деб ном беришипти.

Шу-шу кўпкари чопиш, улоқ бошқа қишлоқларга ҳам удум бўлиб кетипти. Кейинчалик бу мусобақа бутун Ўрта ва Шарқий Осиё мамлакатларида энг севимли, анъанавий ўйинга айланипти.

Кўпкари чопишнинг кишилар диққатини ўзига тортадиган жиҳатлари кўп. Асосийси, бу ўйин от билан чопиб ўйналади. Демак, улоқчи чин маънода чавандозлик маҳоратларини мукаммал эгаллаши, эпчил ва чайир, шунингдек, катта куч соҳиби бўлмоғи керак. Шу маънода чавандозларга кўпинча полвон сифати берилиши бежиз эмас. Чавандоз отни моҳирона бошқара олиши, у билан уйғун бир жисмга айланиб кетиши керак. Шу билан бирга, чавандоз, улоқчи отларнинг устунлик, афзаллик жиҳатларини ҳам, нуқсону қусурларини ҳам пухта ўрганиб олиши керак.

Бугунги кунга келиб қишлоқларимизда тўй кунлари улоқ бериш, Наврўз ва ҳосил байрамлари, бошқа миллий маросимлар ва тантаналарда кўпкари мусобақаларини уюштириш анъанага айланиб кетди. Одатда ҳосил байрамида бошланган улоқ бериш мавсуми Наврўз тантаналарига уланиб кетади. Кўпинча бу кўпкари мусобақаларига кўшни туманлар, ҳатто олис-яқин вилоятлардан ҳам чавандозлар етиб келишади. Улоқни талашаётган чавандозларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб ўтирган минг-минг томошабинларнинг ҳайқириғи, олқиши бутун майдонни тутиб кетади.

– Кўпкарининг ўзига жалб қилувчи илоҳий кучи бор деб эшитганман, – деб ҳикоясини тугатди мўйсафид. – От устида ўтирган одам борки, айни шу боисдан улоқчи отлар галасига қандай аралашиб кетганини сезмай қолади.

Шу пайт жарчининг ҳайқириғи бедапояни тутиб кетди. У ер-бу ерда ўтирган чойхўрлар пиёлаларни қўйиб, майдон сари ошиқиб қолишди.

Содиқ ЖЎРАЕВ.

Утерянную трудовую книжку на имя Тесманн (Ильясовой) Рашиды Завеновны прошу вернуть за вознаграждение. Тел.: +99890 347-65-71.

ООО НПП "RICH FIELDS", зарегистрированное ИРСП Яккасарайского района за № 005950-11 от 13.04.2011г., (ИНН 301597063, ОКПО 23183345) извещает об уменьшении уставного фонда с 176 606 777,18 сум до 145 779 971,78 сум. Тел.: 156-83-83.

Утерянную круглую печать ООО "FERUZXON DURDONASI" Алмазарского района,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.

НОУ "MALISH GERKULES" (ИНН 207119654), зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Шайхантахурского района г. Ташкента за № 003854 от 13.05.2011 года, расположенное по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Эшон Бобохон, 18,
ЛИКВИДИРУЕТСЯ.
Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления.

ЧП "MEGA PLUMBERS", зарегистрированное отделом гос. Регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар-5, ул. Бунедкор Шох, дом 1, (ИНН 301673199, ОКПО 23357176), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 03.08.2011г.).
Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 740-56-43.

Утерянное свидетельство о регистрации устава общественного объединения № 276 от 14 августа 1997г., зарегистрированное Министерством юстиции Республики Узбекистан, выданные Фонду поддержки Узбекского национального танцевального искусства,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянную справку К 07798, выданную Зангиатинским кадастровым управлением реестр. № 484 от 17.05.2007г. на фермерское хозяйство "РАХИМ-ЖОН",
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.

ООО "LUKA IMPEX", зарегистрированное отделом гос. Регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента (реестр. № 0059969-11 от 10.05.2011г.), расположенное по адресу: Республика Узбекистан, г. Ташкент, ул. Малая Бешагачская, дом 40/1, (ИНН 301985094),
ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания учредителей от 02.08.2011г.).
Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 316-88-99.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-842. Адади 6861. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30. 1234